

Биз билмаган ҳамроҳларимиз



14:00 / 24.06.2022 7090

Бунинг нималигини биласизми? Бу мулойим жонзотнинг номи илм-фанда «Demodex folliculorum» деб аталиб, бизнинг киприкларимиз орасида ҳаёт кечиради. Бу миттигина жонзот фақатгина микроскоп орқали кўришиб, унинг ҳаётдаги ягона озуқаси инсон терисининг чиқиндлари ҳисобланади. Узунлиги 1 миллиметрнинг учдан бирига тенг келади. Кечқурун уйқуга кетганимизда у киприкларимиз тубидан чиқиб, юзимиз устида сайр қилади. Сайр давомида ўз жуфти билан учрашиб, қовушади ва оқибатда кипригимиз илдизига яқин жойда 20-24 тагача тухум қўяди. Балки сиз ушбу маълумотларни ўқиб ҳайрон бўлаётгандирсиз? Аслида бу мулойим жонзот биз инсонлар учун кони фойдадир. Чунки унинг асосий вазифаси юзимиздаги ўлик ҳужайра ва тўқималарни истеъмол қилиб, юзимизнинг териси ҳар куни янгиланишига хизмат қилишдир.

Хуллас бу жонзот ҳар куни ухлаётганимизда юзимизда табиий косметика ишларини амалга оширади. Бу ҳам бўлса, Роббимизнинг бизга кўрсатган улў марҳамати ва қудратининг бир кўринишидир.

Бундай марҳаматнинг қадрига етмай, сунъий косметик маҳсулотлардан фойдаланаётган айрим аёлларга хитоб қилиб айтамикки, сиз сунъий воситалардан фойдаланиб, юзингизни пардозлаганингизда ушбу жонзот ҳалок бўлади. Натижада аёлларнинг юзларида ноқулай кўринишлар вужудга кела бошлайди. Чунки юз терисининг табиий гўзаллигига хизмат қилаётган жонзот сунъий маҳсулотлар зараридан ўз вазифасини бажара олмайди бўлади.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай марҳамат қилган:

يٰۤاَيُّهَا الَّذِيْنَ اٰمَنُوْا اِنۡ جِئْتُمْ سُلٰمًا فَاٰخِذُوْهُ بِحُسْنِ طَرۡفٍ ۗ وَمَا يۡجِئُكُمُ الْاِيۡمَانُ اِلَّا بِرَحْمَةٍ مِّنۡ رَّبِّكَ وَبَخۡشٍ كَرِيۡمٍ ۝۱۰۸

«Тоғларни кўриб, қимирламай турибди, деб ҳисоблайсан. Ҳолбуки, улар булутнинг ўтишидек ўтурлар. Бу ҳар бир нарсани пухта қиладиган Аллоҳнинг санъатидир. Албатта, У нима қилаётганингиздан ўта хабардордир» (Намл сураси, 88-оят).

Аллоҳ таолонинг яратганлари борасида тафаккур қилиш иймон нурунинг зиёда бўлишига, ибодатларга рағбат кучайишига сабаб бўладиган энг улў амаллардан ҳисобланади. Уламоларнинг таъбирлари билан айтганда, Аллоҳ таолонинг яратганлари борасида тафаккур қилиш Унга тез яқинлаштирадиган амал ва У Зотнинг ҳузурига кириладиган энг катта эшиқдир.

Аллоҳ таоло барчамизни тафаккур неъматини ила ризқлантирсин.

Арабчадан Нозимжон Ҳошимжон таржимаси

Хуршид Маъруф тайёрлади